



ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУИЯТЛАРИ.

Худайбердиев Абдурашид Абдирасулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ
кафедраси доценти ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Тўраев Шавкат Менгишович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура
“Ташкилий-тактик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7680099>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-fevral 2023 yil

Ma'qullandi: 24-fevral 2023 yil

Nashr qilindi: 27-fevral 2023 yil

KEY WORDS

Давлат органлари, жамоат жойлари, ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, ички ишлар органлари.

ABSTRACT

Мақолада жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликнинг ўзига хос хусуиятларини назарий ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, олимларнинг фикрлари ва амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган

Бугунги кунда юртимизда барча давлат органларида маъмурий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат органларида маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этишдир¹

Шу ўринда, ҳуқуқий тузилма жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик тушунчасига тариф берсак. “Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик” - бу, эҳтимол, барча ҳуқуқий фанлар ва ҳуқуқий нормалар томонидан қўлланиладиган ижтимоий-ҳуқуқий тоифалардан биридир.

Бугунги кунда асосий ва долзарб вазифа ҳисобланган жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жавобгарлик масалаларини ҳал этиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилишига қарамасда ушбу ҳуқуқбузарликлар содир этилиши камаймагани йўқ.

Ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар қилишдан асосий мақсад инсонлар онгида қонунга итоаткорликни ҳуқуқий нормаларни ҳурмат қилишни ўргатади. Бир сўз билан айтганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи

¹ Рустамов С., Кушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.

томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади²

Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни келиб чиқши бўйича ҳуқуқшунос А.Ф. Жолдасов қуйидагича фикр билдиради. Унинг фикрича, жамоат аҳамиятига эга бўлган жойларда: кўчаларда, майдонларда, боғларда, вокзалларда, савдо марказларида ва ҳоказоларда қонун ва тартибни таъминлайди, яъни , бу ерда одамларнинг "коллектив бўлмаган" хатти-ҳаракатлари шахсга таҳдидларни келтириб чиқаради ва низолар пайдо бўлади³ деб тариф берадилар.

Фикримизча, Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик юқоридаги ҳуқуқшуносимиз таъкидлаганидек, жамоат жойларида келиб чиқади лекин табииятига кўра ушбу ҳуқуқбузарликларни барчаси ҳам низоли ҳолатларни қайт этмайди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хослиги унинг табииятига қараб фарқланади.

Жумладан, Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш яъни иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно.

Ушбу ҳуқуқбузарликда кўриниб турибдики ҳеч қандай ҳуқуқбузар фуқарогакуч ёки зўрлик ишлатиш натижасида содир этилмайди балки, жамоат жойида ўзининг эҳтиёжини қондириш эвазига бошқа шахсларга зарар етказади.

Шу билан бирга Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш яъни иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тўйлар, юбилейлар ҳамда бошқа тантаналар ва маросимлар ўтказиладиган жойлар, шунингдек алкоголь маҳсулотини қуйиб реализация қилишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари мустасно.

Бу ҳуқуқбузарликни хусусиятида ҳам зўравонлик акс эмайди аксинча шахс ўз харақтлари натижасида ўзини шармандали ахволга солиб қўйиши мумкин. Бу борада А Абдираимов ва Ф Абдуллаевлар қуйидагича фикр биладиради. Уларнинг фикрича, инсон қадр-қиммати ва жамоат аҳлоқини камситувчи тарзда бўлиш ҳолатлари қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- ҳуқуқбузар жамоат жойида одобсиз шаклда намоён бўлса (нафрат ва жирканишни келтириб чиқарадиган тартибсиз кўриниш, ифлос, ҳўл, ич кийимини ташқи кийимлари устидан кийиб олганлик, яланғоч ва шу каби ҳолатларда);

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манбага мурожаат: <https://www.lex.uz/acts/97664> (14.02.2023.).

³ А. Ф. Жолдасов Жамоат тартиби: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари // Academic research in educational sciences. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhamoat-tartibi-tushunchasi-tarifi-va-ziga-hos-hususiyaatlari> (дата обращения: 14.02.2023).

- ҳудудга нисбатан тўлиқ ёки қисман ориентир олиш қобилятини йўқотган бўлса (мақсадсиз бир жойда туриши, бир жойдан иккинчи жойга мақсадсиз бориб келиши, ҳаракатланиш кординациясининг бузилиши ва шу каби ҳолатларда);
- ожиз аҳволдаги мастлик ҳолатида бўлса (жамоат жойларида хиссиз (ётган) ҳолатда бўлиши)⁴.

Шундай экан жамоат жаларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар фақат жойига қараб баҳоланиши мақсадга мувофиқдур. Чунки содир этилиш сабаби, шарт шароити, келтириб чиқарган зарари ва вазиятларнинг турланиши ушбу ҳуқуқбузарликларни бир-биридан фарқлайди.

Биргина тиланчилик қилиш (1883-м.) ҳуқуқбузарлигини содир этилиши ҳам бунга яққол далил бўла олдаи чунки тиланчилик асосий белиниларида бири Аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автотототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озик-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг асосий ўзига хос хусусиятларидан бири бу жамоат жойида содир этилишидир. Тиланчилик ҳуқуқбузарлиги ҳозирда жуда ҳам кўп содир этиладиган ҳуқуқбузарлик бўлганлиги сабабли ушбу ҳуқуқбузарликни содир этилишини олдини олиш зарурати мавжуд. Зеро, Ш.Х.Қушбоқов таъкидлаганидек, жиноятнинг асосий сабаби бу ишсизликдир⁵. Шу ўринда, жиноятнинг келиб чиқиши аломатини шакилланиши эса ҳуқуқбузарликдан бошланади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари ва келтириб чиқарадиган солбий оқибатлари қуйидагиларда номоён бўлади. Булар:

биринчидан, жамоат жойларида айниқса Самарқанд ва Бухоро вилоятларини маданий мерос объектларида тиланчилик ҳуқуқбузарлигини содир этилиши туристлар онгида юртимиз обрўси тушуришига, ахоли қашоқликда умр кўриши мумкин деган хулоса келишига сабаб бўлади;

иккинчидан, Тошкент шаҳар транспорт қатнов йўлларининг ситафорларда тўхтаб туриш вақтида тиланчилик билан шуғулланадиган шахсларни йўлни бемалол айланиб юриши кўзга ташланади. Ушбу ҳолат транспорт воситалари ҳаракатланишига ноқулайлик туғдиради;

ўчинчидан, фуқаролар оиласи билан хиёбонларда, истироҳат боғларида айланишга чиқишганда тиланчилик билан шуғулланувчи шахслар асосан ёшлар ва аёлларга яқинлашиш қўллари билан тегиб пул сўраш ҳоллари учрайди бу эса ушбу жойларга фуқароларнинг келишини маълум миқдорда камайтиради.

⁴ Абдираимов А., Абдуллаев Ф., Норқўзиев С. У. Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари: мдх давлатлари қонунчилигининг тиббий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлили //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 212-217.

⁵ Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

Шу сабабли, ушбу ҳуқуқбузарликни олдини олиш меҳанизмларини ишлаб чиқиш ва тиланчилик қилиб юрган шахслар учун маҳсус рейд тадбирларини ўтказиш ойлиги норматив ҳуқуқий ҳужжат билан мустаҳкамлаш зарур.

Тиланчилик ҳуқуқбузарлиги учун инсонпарварлик омилини қўлланилиши эса ушбу ҳуқуқбузарликни олдини олишга хизмат қилади. Амалиёт шуни назарда тутиши керакки тиланчилик қилиб юрган шахсларга инсонпарварлик омилини қўллаш деганда уларни огоҳлантириб қўйиб юборишни назарда тутмаяпти. Чунки ушбу ҳаракат ҳуқуқбузарликни латентлигини келтириб чиқаради. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун умуман ИИОлари ва Миллий гвардия ходимларини огоҳлантириб жавобгарликдан озод қилишга ваколат йўқ. Сабаби, МЖТКнинг 21-модасида Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин⁶ деган қоида мавжуд. Бу қоида Ш.Х.Қушбоқов таъкидлаганидек, ҳуқуқий тартибда расмийлаштириш мақсадида қўлланилади.⁷

Ушбу ҳуқуқбузарликларни учун жавобгарликни такомиллаштиришга эҳтиёж аввало профилактика нуқтаи назаридандир. Чунки, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг мақсади айнан хато қилган шахсларни тўғри йўлга қайтариш ва бошқаларга ўрнак қилиб кўсатишдир.

Жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида Фарғона тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир сабаби Фарғона вилоят ҳокимининг 2016 йил 22 апрелдаги “Жамоат жойларида тартибни сақлаш, ободонлаштириш ва санитария қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 139-сон қарори билан жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликни олдини олиш мақсадида қуйидаги ишлар тақиқланади:

1. кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида (спиртли ичимликларни қуйиб сотиш рухсат берилган умумий овқатланиш корхоналари бундан мустасно) спиртли ичимлик истеъмол қилиш, инсоний қадр-қимматга ва ижтимоий ахлоққа доғ тушириш;
2. ҳақоратли сўзлар ишлатиш, пул ва буюмлар тиккан ҳолда қиморбозлик қилиш, қарта ўйнаш ва ҳоказолар;
3. белгиланмаган жойларда чўмилиш, фуқароларнинг чўмилиш кийимларида пляждан ташқари жойларда юришлари;
4. жамоат жойларида, хусусан белгиланмаган ҳудудда ҳамда кўча ва йўлларнинг қатнов қисмида транспорт воситаларини ювиш;
5. итларни белгиланмаган жойларда ва аҳоли яшаш жойларида тумшуқ банди кийгизилмаган ҳолда сайр эттириш;
6. йирик ва майда шохли чорва моллари, от, эшаклар ҳамда хонаки паррандаларни кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларига қўйиб юбориш ёки боқиш;

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664>. (Мурожаат вақти: 16.02.2023 й.)

⁷ Қушбоқов, Ш. (2022). Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.

7. фуқаролар томонидан автотранспорт бекатлари, кўчалар бўйида ҳамда мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, тиббиёт муассасалари, коллеж ва лицейларга туташ ҳудудларда тамаки, сақич, писта, уйда тайёрланган таомлар, салқин ичимликлар ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилиш;

8. маиший ва қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойларга ташлаш ёки йиғиш⁸.

Ушбу қарордаги кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида (спиртли ичимликларни қуйиб сотиш рухсат берилган умумий овқатланиш корхоналари бундан мустасно) спиртли ичимлик истеъмол қилиш, инсоний кадр-қимматга ва ижтимоий ахлоққа доғ тушириш тақиқдаш бу самарали таъсир чораси ҳисобланиб назаримизда ушбу қарорнинг мазкур банди *биринчидан*, ҳудудларда алкогализмни олдини олишга самарали хизмат қилса; *иккинчидан*, билиб билмай маст ҳолатда содир этиладиган жиноятларни олдини олади.

Ҳақоратли сўзлар ишлатиш, пул ва буюмлар тиккан ҳолда қиморбозлик қилиш, қарта ўйнаш каби ишларни тақилаш бўлса ҳақорат қилиш (41-м), майда безорилик (183-м), қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар (191-м) ҳуқуқбузарлик учун чеклов қўйиш яъни ҳуқуқбузарликлар келгусида жиноятларни олдини олишга хизмат қилса ҳуқуқбузарликларни олдини олиш комилликка етаклайди.

Шунингдек, белгиланмаган жойларда чўмилиш, фуқароларнинг чўмилиш кийимларида пляждан ташқари жойларда юришлари ҳам майда безоралик ҳуқуқбузарлигини жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликка оид қисмини бузиш ҳисобланиб юртимизда урф-одатларини менсимаслик каби оқибатларни кетириб чиқариб қолмай юртимиз ёшларига оёғига тушов бўлаётган оммавий маданиятни тарғиб этиш каби салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан жамоат жойларида, хусусан белгиланмаган ҳудудда ҳамда кўча ва йўлларнинг қатнов қисмида транспорт воситаларини ювиш бу ҳуқуқбузарлик саналмасада келгусида содир этилиши мумкин буладиган автохалоктларни профилактика қилишга хизмат қилади.

Қоида тариқасида шунини унутмаслигимиз зарурки итларни белгиланмаган жойларда ва аҳоли яшаш жойларида тумшуқ банди кийгизилмаган ҳолда сайр эттириш МЖТКнинг 110-моддаси ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш яъни шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишнинг қоидаларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик ҳуқуқбузарлиги ҳисобланиб ушбу қарорнинг бу банди долзарб ҳисобланади.

Жамоат жойларида содир этиладиган ушбу ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи омил бу қоидаларга риоя этмасликдир. Ушбу қоидалардан бири бу итларни фақат боғланган ҳолда, эркин сайр қилдиришда - атрофи ўралган ҳудудда ажратилган ҳолда сақлашга йўл қўйилади.

Иккинчи қоида итлар очик жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари — эрталаб соат 8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан кейин итларнинг вовиллашининг олдини олишлари керак.

⁸Фарғона вилоят ҳокимининг 2016 йил 22 апрелдаги “Жамоат жойларида тартибни сақлаш, ободонлаштириш ва санитария қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 139-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3072656> (мурожаат вақти 14.02.2023 й.).

Жамоат жойларида ит ва мушукларни ҳаракатланишига тақиқлаш қоидалари мавжуд бўлиб, булар:

биринчиси, итлар ва мушукларни умумий фойдаланиладиган жойларда: зинапоя майдончалари, чердаклар, ертўлаларда, шунингдек ошхоналар, балконлар ва умумфойдаланишдаги пешайвонларда сақлаш;

иккинчиси, итлар ва мушукларни умумий овқатланиш корхоналарига, озиқ-овқат дўконлари ва бошқа дўконларнинг савдо ва ишлаб чиқариш залларига олиб кириш;

учинчиси, итлар ва мушукларни кўпчилик борадиган жойларда (пляж, ҳовуз, фаввораларда ва ҳоказоларда) чўмилтириш ёки ювиш;

тўртинчиси, маст ҳолатдаги шахслар ва 14 ёшдан кичик болаларнинг итларни сайр қилдириши;

бешинчиси, итлар билан жамоат жойларида бўлиш ва жамоат транспортига чиқиш тақиқланади; ушбу тақиқларнинг *(Итлар очиқ жойларда ёки бунинг учун махсус ажратилган майдонларда сайр қилдирилади, бу ерлар ҳар доим озода сақланиши керак. Итнинг эгаси ит қочиб кетмаслиги ёки одамлар ёки бошқа ҳайвонларга ҳужум қилмаслиги чораларини кўриши зарур. Ит бўйинбоғига жетон маҳкамланган ҳолда етовда олиб юриб сайр қилдирилиши керак. Жетонда идентификацион рақами кўрсатилиши керак.*

Ит очиқ жойларда сайр қилдирилганда у тумшуқбоғда ва 2 метргача узунликдаги етовда, жамоат жойларида 1 метргача узунликдаги етовда бўлиши керак, тумшуқбоғсиз ва етовсиз фақат махсус ажратилган майдонларда сайр қилдиришга рухсат берилади. Шунингдек, Итлар ва мушукларни транспортнинг жамоат транспортдан бошқа барча ер усти турларида олиб юришга рухсат берилади.

Кичик итлар ва мушукларни жамоат транспортда уларнинг соғлиғига хавф солмайдиган ва улар қочиб кета олмайдиган кўчма қурилмаларда, шунингдек йўловчиларнинг хотиржамлиги бузилишини истисно этган шартларга риоя қилган ҳолда олиб юришга рухсат берилади⁹⁾ ушбу ҳолатлар бундан мустасно.

Қарорнинг мазкур банди долзарб бўлсада лекин ушбу ҳолат яъни йирик ва майда шохли чорва моллари, от, эшаклар ҳамда хонаки паррандаларни кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларига қўйиб юбориш ёки боқиш учун жавобгарлик масаласи кўрилмаган. Шу сабабли, Э.Х.Норбўтаев такидлаганидек, мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш¹⁰ ва ушбу ёндашувлар А.А.Таштемиров айтгандек, натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш¹¹ зарур.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 202-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/1833366#1833622>. (мурожаат вақти 17.02.2023й)

¹⁰ Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.

¹¹ Таштемиров А.А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳукукий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

Шу сабабли, МЖТКнинг 104³-модда. **Жамоат жойларидаги ўсимликлар пайҳон қилиш, уларга зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш**

Чорва моллар ёки паррандаларнинг кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларидаги ўсимликлар пайҳон қилиш, уларга зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш—

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Моддасини кўшишни таклиф қилишни жоиз топдик.

Мазкур қарорнинг етинчи бандида фуқаролар томонидан автотранспорт бекатлари, кўчалар бўйида ҳамда мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, тиббиёт муассасалари, коллеж ва лицейларга туташ ҳудудларда тамаки, сақич, писта, уйда тайёрланган таомлар, салқин ичимликлар ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилишни чеклаш деганда биз тадбиркорликни чеклашни бир кўриниши бўлиб қолмоқда шу сабабли ушбу бандни ноқонуни сотилиши деб ёзилса мақсадга мувофиқ булур эди.

Қарорнинг охириги банди маиший ва қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойларга ташлаш ёки йиғиш бандини асосий маъноси МЖТКнинг 161-моддаси Ободанлаштириш қоидаларини бузишни профилактикаси десак янглишмаймиз.

Ҳазирга кунда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг кўпчилиги Ободанлаштириш қоидаларини бузиш ҳисобланади шу сабабли ушбу қарордаги мазкур бандни бошқа вилоятлар хокимлари ҳам кенг тадбиқ этса А.А.Таштемиров ва С.А.Калауов таъкидлаганидек, норматив тартибни белгилаш тадбирларини ташкил қилиш¹², шу ўринда, ўзинг қарорларида акс этгирса ҳудудлар тозалигини сақлашга эришилган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манбага мурожаат: <https://www.lex.uz/acts/97664> (14.02.2023.).
3. А. Ф. Жолдасов Жамоат тартиби: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари // Academic research in educational sciences. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhamoat-tartibi-tushunchasi-tarifi-va-ziga-hos-hususiyatlari> (дата обращения: 14.02.2023).
4. Абдираимов А., Абдуллаев Ф., Норқўзиев С. У. Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари: мдх давлатлари қонунчилигининг тиббий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлили //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 212-217.

¹² Таштемиров А.А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

5. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664>. (Мурожаат вақти: 16.02.2023 й.)
7. Қушбоқов, Ш. (2022). Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.
8. Фарғона вилоят ҳокимининг 2016 йил 22 апрелдаги “Жамоат жойларида тартибни сақлаш, ободонлаштириш ва санитария қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 139-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3072656> (мурожаат вақти 14.02.2023 й.).
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 202-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/1833366#1833622>. (мурожаат вақти 17.02.2023й)
10. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.
11. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳукукий жихатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
12. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

INNOVATIVE
ACADEMY